

МЕДИАЦИЯ ЁКИ НИЗОЛАРНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҒИБ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Медиацацияда низолашувчи томонлар ўз ихтиёрлари билан ҳолис шахс (медиатор) иштирокида низо ҳал этиш мақсадида шартнома тузишади. Шунингдек, медиацация судларда мавжуд бўлган иш ҳажмини камайтиришда ва шу орқали одил судловнинг сифатли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади. Медиацация тартиботи томонларнинг ихтиёрийлик, махфийлик, ҳамкорлик ва тенг ҳуқуқлилиқ, медиаторнинг холислиқ ва мустақиллиқ тамойиллари асосида томонлар ўзаро эркин хоҳиш билдиришларида ўтказилади.

Шундай қилиб, медиацациянинг мақсади низо иштирокчиларининг ўз келишмовчиликларини мустақил ҳал қилиш лаёқатига, ўзаро талабларини қондиришга ва ҳар икки тараф учун барабар фойдали бўлган келишувга эришишларига кўмаклашишдан иборатдир. Медиацация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ. Медиацацияга нисбатан жамиятда вужудга келган эҳтиёж ўтган асрда янги касб – медиаторлиқнинг шаклланишига олиб келди. Медиаторлиқ билан шуғулланувчилар – медиаторлар тарафлар ўртасида вужудга келган келишмовчилик ва низоларни ҳал этишга кўмаклашадилар. Бунда медиатор далилларни текширмайди ва тарафларнинг талаблари қонунийлигига баҳо бермайди, аксинча, медиаторнинг асосий вазифаси – тарафлар ўртасида бир-бирларини тушунишга, улар учун маъқул ва маъбул шартларда масалани ҳал этиш имкониятларини излаш ва ҳал этишга кўмаклашишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, воситачилиқ (медиацация) қўлланилиши мумкин бўлган ҳоллар жуда кўп. Масалан, қуйидаги ҳолларда медиацациядан фойдаланиш айна муддао бўлади: ўз муносабатлари, ўз обрўсини кадрловчи, музокара олиб бориш ва ҳамкорликни давом эттиришга тайёр инсофли тадбиркорлик субъектлари битим бўйича контрагент ва низо тарафи бўлса; нариги тараф ўз мақсадига эришиш йўлида ҳар қандай шубҳали воситалардан фойдаланишга тайёр, деб ҳисоблаш учун жиддий асослар мавжуд бўлмаса; медиацацияни муайян низо ҳал қилиш учун маъбул эмас деб топиш учун бошқа жиддий асослар мавжуд бўлмаса; юридик прецедентларни юзага келтириш ва контрагент компанияга қарши суд қарорлари чиқарилишига эришиш учун жиддий зарурият мавжуд бўлмаса[1].

Халқаро статистик маълумотларга кўра, ер юзидаги ҳуқуқ билан ҳал қилинаётган барча

низоларнинг 35–40 % медиация йўли билан ҳал қилинади ва медиация тартибида ҳал қилинган низоларнинг тахминан 85% кутилган ижобий натижани бермоқда[2].

БМТ уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган[3]. Европа Парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 21 майдаги ЕИ 2008 (52) директиваси фуқаролик ва тижорат соҳасидаги медиациянинг айрим жиҳатларига тааллуқли бўлиб, медиация тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Низонинг икки ёки ундан ортиқ тарафлари улар ўртасидаги низони ҳал қилиш тўғрисида келишувга эришиш мақсадида, мазкур жараён тарафларнинг ташаббуси билан уюштирилганлигидан, суд томонидан таклиф этилган ёки тайинланганлигидан ёки миллий қонунчиликда кўрсатилганлигидан қатъи назар учинчи тарафга ёрдам сўраб мурожаат этиш жараёнидир”.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, медиация фуқаролик-ҳуқуқий низоларни ҳал этишда жуда самарали ҳисобланади. Айниқса, англо-саксон ҳуқуқий тизимида яраштирув жараёнлари ривожланган, шунингдек медиация Европа давлатларида кенг тарқалган. Охириги ўн йилликда Европа ҳамжамияти доирасида медиацияга ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш имкониятларидан бири сифатида мурожаат этиш тенденцияси кузатилмоқда. Хусусан, 2002 йил Европа комиссияси томонидан фуқаролик ва тижорат ҳуқуқлари бўйича низоларни муқобил ҳал этиш масалалари бўйича Яшил китоб ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда медиация АҚШ, Янги Зеландия, Канада, Австралия, Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Бельгия, Австрия, Германия каби давлатларда кенг ривожланган.

Медиацияни ўрганиш бўйича халқаро тадбирларда унинг самарадорлиги бўйича бир канча рақамлар келтирилади. Масалан, АҚШда мазкур процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичлари катта таассурот қолдиради. 90%дан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишув битими билан якунланган. Қуйи Саксонияда самарадорлик 97%ни ташкил этади. Буюк Британияда 90–95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасигача ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40–80%ни ташкил этади.

Медиациядан фойдаланишга монелик қиладиган омиллар мавжуд бўлмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектлари низо бўйича юридик нуқтаи назар кучидан қатъи назар, медиациядан фойдаланишга ҳаракат қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Одатда давлат судлари низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмак беради, сабаби улар давлат судларидаги ишлар сонини нормаллаштиришга шунингдек, одил судловни самарали амалга ошириш учун зарур шароит яратишга имкон туғдиради.

Бу каби низони ҳал қилиш самарадорлигига низолашаётган тарафларда келажакка

йўналтирилган мақсадли ҳаракатлари ҳисобидан кооперация ва коммуникацияга бўлган қобилиятнинг очилиши туфайли эришилади, бу эса низо тарафларига вақтни, пулни ва эмоционал ресурсларини тежашга ёрдам беради.

Маълумки, суд тартибда ишларни кўришда муайян даражада молиявий харажатлар, вақт сарфланади. Демак, низони суд орқали, шу жумладан келишув битимини тузиш йўли билан ҳал қилиш усулини медиация мезонлари билан таққосласак, “медиация” нисбатан самаралироқ эканлигининг гувоҳи бўламиз. Биринчидан, у суд жараёни, ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва ижро иши юритишга қараганда камроқ вақтни олади. Ҳатто юридик тортишувлар одатда бир неча даъво аризаларидан ташкил топади ва улар баъзан турли судларда кўрилади. Бунда эса ижро варағига кўра эришадиган натижага қараганда самарали музокаралар ёрдамида яхшироқ натижага эришиш мумкин. Иккинчидан, суд жараёнига кўрсатиладиган юридик хизматлар учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар медиатор гонораридан анча кўп бўлади. Учинчидан, суд жараёни якунлангач, суд залини баъзан муросасиз муҳолифлар тарк этса, медиация жараёнида шерикчилик муносабатларини сақлашга муваффақ бўлинади, тарафлар ҳамкорликни давом эттиради.

Низоларни ҳал қилишнинг самарали усулларида фойдаланмоқчи бўлган юридик ёрдам фирмалари таклифлар мажмуига медиация жараёнларини киритсалар, мижозларга жуда ноёб хизмат кўрсатган бўладилар. Шунини таъкидлаш лозимки, низоларни ҳал қилишнинг самарали усуллари фирмалар даромади сезиларли даражада кўпайишига олиб келади, чунки уларнинг мижозлари сони кўпаяди. Юридик ёрдам берадиган фирманинг самарадорлиги эса ютилган суд жараёнлари сони билан эмас, балки мижоз учун самарали ҳал қилинган низолар сони билан белгиланади.

Юридик фирмалар нафақат мижозларни медиациядан фойдаланишга даъват этиши, балки медиациядан фойдаланишда психологик тўсиқларни бартараф этиш, низоларни ҳал қилиш сиёсати қабул қилиш ва ҳоказоларда уларга ёрдам бериши ҳам мумкин.

Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, Францияда судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иккала томондан сайланган вакиллар иштирок этиб, улар ўз фаолиятларини ишнинг келишув асосида тугатишга йўналтиради. Ушбу жараёнда эришилган келишув битимини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усули қўлланилади, яъни тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарорлари каби кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Иш юзасидан келишувга эришилмаган тақдирдагина иш судлов бўлимида мазмунан ҳал қилинади.

Германиянинг “Суд харажатлари тўғрисида”ги Низомига кўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида суд музокараларига қадар келишув битимига эришсалар, тарафлардан суд харажатлари ундирилмайди. Шунингдек, Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг

141-моддасида тарафлар ўртасида суд ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар келишув битими тузилган бўлса, федерал бюджетдан даъвогарга унинг томонидан тўланган давлат божининг тенг ярми қайтариб берилиши белгилаб қўйилган. Мазкур нормалар келишув битими орқали иш юритишни тугатишни рағбатлантирувчи муҳим чоралар ҳисобланади. Бинобарин, суд муҳокамаси бошланмасидан аввал низолашувчи тарафларни ўзаро манфаатли асосда муроасага келтириш орқали ишни тинч йўл билан ҳал этиш жамиятда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни бартараф қилишда, ишлар тез ва самарали ҳал этилишида, шунингдек, суд харажатларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Судьялар иш юкламасини камайтиришда ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг суддан ташқари бошқа муқобил шакллари ривожлантириш муҳим ўрин тутати. Улар одил судловнинг ўрнини эгалламайди ва шахсларни суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Аксинча, шахсларга низоларни ҳал қилишнинг давлат ва нодавлат шакллари танлаш имкони яратилади, тарафлар юзага келган келишмовчиликнинг кўринишига қараб қайси таомил мақсадга мувофиқ эканини ўзлари ҳал қилади.

Низоларни муқобил ҳал этиш усуллари сўнгги йилларда республикаимизда, айниқса, иқтисодий низоларни камчиқим ва қисқа вақт ичида муроаса йўли билан ҳал этиш усули сифатида тобора ҳаётимизга кириб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонун мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирги кунда фуқаролик-ҳуқуқий низоларни муқобил ҳал этишнинг муҳим шакллари сифатида музокаралар (учинчи шахсларнинг иштирокисиз томонлар келишмовчиликларни ўзаро ҳал этишлари), медиация (тарафларни ўзаро келиштиришга кўмаклашувчи мустақил, холис воситачи ёрдамида низони ҳал этиш), ҳакамлик суди (низони мустақил, холис шахс – ҳакам (ёки ҳакамлар) ёрдамида ҳал этиш) эътироф этилади.

Маълумотларга қараганда, Американинг 1000дан ортиқ корпорациялари ўртасида олиб борилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, улардан 88 фоизи охириги уч йил давомида медиацияни қўллаб келган, 81 фоизи медиацияни суд тартиб-таомилига қараганда қулай эканлигини қайд этган, 59 фоизи низода иштирок этувчилар ўртасида шериклик алоқаларини сақлаб қолиш имкони яратилганлигини таъкидлаган.

Масалан, Бельгияда суд тарафларга келишмовчиликни муқобил ҳал этиш механизми ёрдамида бартараф этишни таклиф қилиши шартлиги, Испания ва Италияда эса судья тарафларни ярашув тартиб-таомилига мурожаат қилишга қаратилган барча чораларни кўришга

мажбур эканлиги белгиланган. Греция қонунчилиги бўйича ҳам агар тарафлар низони ўзаро ҳал этиш бўйича яраштирув тартиб-таомилини қўлламаган бўлсалар, суд даъвои қабул қилмайди[4].

Ҳозирги кунда судларда даъво тартибида юритиладиган ишлар сонининг кўплиги ва уларни ҳал этиш бирмунча мураккаб эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, низони тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали яқунлаш масалаларига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Хусусан, ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида тарафларни яраштириш чораларини кўришни назарда тутувчи махсус тартиб-таомилларни белгилаш, мазкур босқичда тарафлар ўртасида келишув битими тузилиши учун рағбатлантирувчи нормаларни киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шокиров А. Медиация нима? Манба: <http://hmadad.uz/uzbcyr/info/article160.html>
2. Жошева А.А. Медиация как способ досудебного урегулирования споров. <http://www.sudkazybekby.kz/ru/mediatsiya-kak-sposob-dosudebnogo-uregulirovaniya-sporov.html>
3. Устав Организации Объединенных Наций // www.un.org/ru/documents/charter/
4. Мамасиддиқов М. Низоларни судга қадар ҳал этиш судлардаги мавжуд иш юкламаларининг камайишига хизмат қилади. <http://huquqburch.uz/uz/article/2391/>